

**«ХУҚУҚШУНОСЛИК. ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ»
фанларидан
ДАСТУР**

Тузувчилар: доц. Б. Жонбоқиев,
кат.ўқ. А.А.Эшонқулов.

Такризчилар: доц. Э.Эгамбердиев,
доц. Э.Хаитбоев

Мазкур дастурда «Ҳуқуқшунослик» фанининг мазмун ва моҳияти давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, давлат бошқаруви тушунчаси, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни каби ҳуқуқий муносабатлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ушбу дастурда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича масалаларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, унда давлатимиз Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши асосида мамлакатимизда таълимтизимининг барча босқичларида Конституция ўқув курсини жорий қилиш ва унинг аҳамияти атрофлича ёритиб берилган.

Настоящая учебная программа по дисциплине «Правоведение» составлена исходя из необходимости изучения основ государства права понятия государственного управления значение права в обществе его цели и специфику.

Так же в настоящей программе отдельное внимание уделяется Конституции Республики Узбекистан, в основу, которой взят указ Президента Республики Узбекистан от 4.01.01 г. “Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан”.

Программа курса Конституции охватывает всю систему образования страны в нем основательно отражено значение настоящего курса.

The present educational program on "Law" is made proceeding from necessity of study of bases of the state of the right of concept of state management meaning of the right in a society of his purpose and specificity

The purpose of the present program to give the students special knowledge for correct interpretation of the laws correctly to systematize and to use the legislation to develop at the students skill to compare legal norms to norms of social life to develop at the students skill to use the received legal knowledge in the further life

Separate is given to the present program to study of the Constitution of Republic of Uzbekistan in which basis is taken the decree of the President of Republic of Uzbekistan from 4.01.01 year "About organisation of study of the Constitution of Republic of Uzbekistan ".

The program of study of a rate of the Constitution covers all system of formation of the country in it the meaning of the present rate is thoroughly reflected

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилиб, фуқаролик жамияти шакллантирилмоқда.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш учун фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини юксак даражага кўтаришни тақазо этади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари манфаати учун, давлатимиз порлоқ келажаги учун, мазкур ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш, ҳамда ҳозирги ривожланиш босқичига ўтаётган даврда қонунларни қабул қилиш, уларни ижро этиш учун Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқарога ҳуқуқий таълимни зарурати вужудга келади. Бу ҳозирги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, қонун бузувчиларга нисбатан ўз вақтида ҳуқуқий чора - тадбирлар кўриш ҳамда фуқароларни ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий мафкурасини ошириш, уларни қонунлар талаблари даражасида ҳаракат қилиш, шу нуқтаи назардан қараганда давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлар асосида амалга оширилмоқда. Чунки, Конституция ва қонунларимиз жамиятимиз таракқиётининг, республика мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг асоси бўлди. Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қарорлар барча иқтисодий ислохотларнинг ҳам, маънавий ислохотларнинг ҳам камол топиши учун хизмат қилади.

Фанни ўқитишнинг асосий мақсади иқтисодчи - бакалаврларга «Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» фанлари бўйича билимлар бериш иш фаолиятида унумли фойдаланишга асос яратади.

Вазифаси - “Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” фанларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно - мазмунини ҳамда моҳиятини доимий тушуниб бориш, мазкур фанни ўқитишнинг асосий мақсадини ташкил этади, у айна пайтда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, ҳуқуқшунослик фанини мукамал ўзлаштириш, уни ҳаётга кенг тарғиб - ташвиқот қилиш мақсадини ҳам кўзлайди.

“Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” фанлари ўз предметига эга. Уни билиб олиш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хослигини англаш, демак, “Ҳуқуқшунослик ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” фанларининг вазифаси ва мақсадлари ҳақида, унинг бошқа тармоқлардан фарқи тўғрисида тушунчага эга бўлиш учун зарурдир.

“Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” фанларини умумий назариясини ўрганиш учун бакалаврлар «Конституциявий ҳуқуқ», «Давлат ва ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Меҳнат ҳуқуқи», «Оила ҳуқуқи», «Жиноят ҳуқуқи» ва бошқа бир қатор курсларни яхши ўзлаштиришлари керак бўлади.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши - “Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” фанлари ижтимоий - гуманитар фанлар билан жумладан, сиёсатшунослик, фалсафа, тарих, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти сингари фанлар билан боғланган ҳолда ўрганилади.

Мазкур фанларни чуқур ўрганиш учун қуйидаги меъёрий ҳужжатларни билиб олиши зарур:

- – қонунлар;
- – қарорлар;
- – фармонлар;
- – фармойишлар;
- – буйруқлар;

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар: - маърузалар матни маълумотларини кафедра томонидан олдиндан тайёрлаб, гуруҳ талабаларига тарқатиш, бу усул ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча ёзишдан озод этади;

- – тест саволлари тузиш ва уларга жавоб бериш шаклида жорий, оралик ва якуний назоратларни уюштириш;
- – «таянч» ибораларини ишлаб чиқиб, талабалардан уларни яққол ўзлаштиришни таъминлаш;
- – иктисодчи - бакалаврлар учун айрим мавзуларни ўрганиш учун Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишловчи юқори малакали ҳамда кўп тажрибага эга бўлган ходимларни жалб этиш;
- – дарсларни судлар ва ҳўжалик судларида ўтказиш (суд процессини эшитиш).

2. ФАН ДАСТУРИ

I қисм

(Ҳуқуқшунослик)

Давлат ва ҳуқуқ назарияси

Давлат тушунчаси. Давлатнинг вужудга келиши. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ўзаро алоқадорлиги. Давлатнинг келиб чиқиши ҳақида бир қатор буюк мутафаккирлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, сиёсатчилар ва файласуфларнинг турлича қарашлари ва назариялари. Давлат ва ҳуқуқнинг Миср, Хитой ва Хиндистонда «теологик» назария асосида ривожланганлиги. Юнон (Қадимги Греция) томонлари Афлотун, Арастунинг «Давлат» номли машҳур асарларида ҳамда инглиз олими Фильмернинг «Патриарх» асарида давлатнинг ривожлаш босқичлари.

(XVII - аср). Давлатнинг “Шартнома”, “Зўравонлик”, “Психологик”, “Ирригация” назариялари асосида ривожланганлиги. Ҳуқуқнинг давлатда тутган ўрни. Ҳуқуқнинг тизимлари ва тамойиллари. Ҳуқуқнинг манбалари ва тармоқлари.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. Юридик шахслар

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик ҳуқуқининг тутган ўрни, фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, предмети, тизими, фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари. *Фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларининг вужудга келиш асослари, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқатлари, муомала лаёқатини чеклаш тартиби. Васийлик ва ҳомийлик муносабатларининг фуқаролик ҳуқуқи орқали мустаҳкамланиши. Фуқарони бедарак йўқолган ҳамда вафот этган деб эълон қилиш тартиби. Фуқаролик ҳолати хужжатлари тушунчаси ва уларни қайд этиш тартиби. (ФХДқ).*

Юридик шахс тушунчаси ва фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни. Юридик шахсларнинг турлари, вужудга келиш асослари ва ҳуқуқ лаёқати. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларни бекор бўлиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида битимлар. Вакиллик ва ишончнома

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш асоси сифатида битимлар тушунчаси. Битимларнинг турлари ва шакллари, битимларнинг шартнома кўринишида тузилиши сабаблари, фуқароларнинг битимлар тузишда

ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари. Битимларнинг муддатлари ҳамда ҳақиқий саналмаган битимлар тушунчаси.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида *вакил тушунчаси*, унинг моҳияти ва мақсади, вакил турлари, унинг вазифалари, вакилнинг муддати, вакилни бекор бўлишининг асослари ва сабаблари.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида ишончнома тушунчаси, унинг моҳияти, мақсади. Ишончнома бериш тартиби, муддати, унинг турлари. Ҳақиқий саналмайдиган ишончнома.

Муддатларни ҳисоблаш ва даъво муддати

Фуқаролик ҳуқуқида *муддатлар тушунчаси*. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда муддатларнинг роли ва амал қилиши. Муддатларнинг бошланиши ва тамом бўлиши. *Даъво* тушунчаси. Даъвонинг мақсади ва турлари. *Даъво муддати* ўтишининг бошланиши, тўхтатилиши, узилиши ва қайтадан тиклаш тартиби. Қонуний муддат, шартномавий муддат, суд томонидан белгиланадиган муддатларнинг тушунчаси ва аҳамияти. *Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар*.

Мулк ҳуқуқи

Жамиятнинг иқтисодий ривожланишида турли *мулк шакллари*нинг тутган ўрни, фуқаролар ўртасидаги мулк муносабатларнинг ривожланиши. Мулкнинг ҳимоя қилиниши ва унинг кафолатланиши. Мулкнинг шакллари ва уларни ҳимоя қилишда давлатнинг тутган ўрни.

Мулк ҳуқуқи тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти, мулк ҳуқуқи шакллари, мулк ҳуқуқининг *даҳлсизлиги*, мулк ҳуқуқининг *вужудга келиш асослари*, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш сабаблари. Мулк ҳуқуқининг субъектлари, мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари, *мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи*, мулкни ривожлантириш усуллари, мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш, топилмага эгалик ҳуқуқини олиш тартиби. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари, *мулк ҳуқуқида национализация, реквизиция, мусодара қилиш тартиби*, шахсий мулк, хусусий мулк, оммавий мулк ва муниципал мулк тушунчалари.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ҳуқуқи

Жамият тарихий ривожланишининг шаклланиши ва мустаҳкамланишининг бирдан - бир асосий манбаи сифатида меҳнат тушунчаси. *Меҳнат ҳуқуқи тартибга соладиган тизимлар*.

Давлатнинг иқтисодиётини, сиёсатини, илм ва техникасини, маънавият ҳамда маданиятини ривожлантириш, мустаҳкамлашда меҳнатнинг тутган ўрни. Меҳнат қилиш фаолиятида жамоа шартномасининг аҳамияти, муддати, талаб этиладиган тартиб ва қоидалар, келишувлар, уларнинг муддати. *Ишга*

жойлаштиришида давлат сиёсатининг мазмуни ва мақсади. Меҳнат шартномаси тушунчаси, унинг субъектлари, объектлари, бошқа ишга кўчириш тартиби ва тарафларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари.

Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ иш вақти тушунчаси. Иш вақтининг муддатлари ва иш вақти турлари. Иш вақтининг нормал муддати, қисқартирилган иш вақти, тўлиқсиз иш вақти режими. *Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби* ва муддатлари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори. Меҳнат фаолиятида меҳнат интизомининг тутган ўрни, меҳнат фаолиятида техника хавфсизлиги. Меҳнат фаолияти жараёнлари даврида *тарафларнинг моддий ва интизомий жавобгарлиги*, моддий ва интизомий жавобгарликка тортиш, унинг турлари, *меҳнат низоларини кўрувчи органлар*, кўриш тартиби ва муддатлари.

Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи

Ўзбекистонда оила ҳуқуқи тушунчаси. *Оила ҳуқуқининг вужудга келиши*. Оила ҳуқуқининг асоси сифатида никоҳ. *Никоҳ муносабатларининг* тизими тартиби ва шартлари. Никоҳ ёши ва никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар тушунчаси. Оила ҳуқуқига оид *мулкӣ муносабатлар* тушунчаси. Оила ҳуқуқида тарафлар ва бошқа қариндош шахсларнинг *алимент тўлаш мажбуриятлари*. Никоҳни бекор қилиш тартиби ва тугатиш асослари. *ФХДқ ва суд органларининг* никоҳ муносабатларини бекор қилишдаги фаолияти.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят - ижроия ҳуқуқлари

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ва вазифаси. Жиноят ҳуқуқининг, ҳуқуқ тизими қаторида тутган ўрни ва улар билан ўзаро алоқадорлиги. Жиноят ҳуқуқининг асосий муносабатлари ва тамойиллари. *Жиноятнинг субъекти ва объекти*. *Жиноятда иштирокчилик* асослари ва жиноий жазо тушунчаси ҳамда мақсади.

Жиноий жазонинг турлари, уларни қўллаш тартиби. Жиноий ишларни кўрувчи судлар фаолияти, уларнинг босқичлари ва суд ҳужжатлари. *Жиноят ижроия ҳуқуқининг* умумий қоидалари. *Жиноий жазоларни ижрога тақдим қилишида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят - ижроия кодексининг тутган ўрни*.

II қисм (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси)

“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”

ўқув курси ва унинг мақсад - вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январдаги фармойиши ва унинг аҳамияти.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”ни ўқув курси предмети, методологияси, мақсади, вазифалари ва тизими, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг вужудга келиши

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилиниши ва янги Конституцияни қабул қилинишига зарурият.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов - Конституциясининг ташаббускори, яратувчиси ва қафили.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби.

Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти

Конституция давлатнинг асосий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маънавий ҳуқуқий илдизлари ва ўзига хос жиҳатлари. Конституциянинг асосий функциялари ва барқарорлиги. Ўзбекистон Конституцияси суверен давлат қуриш ва демократик ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори. Ўзбекистон Конституциясининг юридик хусусиятлари. Конституциявий - ҳуқуқий нормалар тушунчаси, турлари ва хусусиятлари. Конституциявий - ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг субъектлари, объектлари ва турлари. *Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари.*

Мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясининг асосий тамойиллари

Давлат суверенитети тушунчаси ва унинг аҳамияти. Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга оширилиш шакллари. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи ва унинг амалга оширилиши. Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма - хиллик (плюрализм). Демократия ва инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат

ва қонунийлик принциплари - демократия белгиси. *Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи тушунчаси.*

Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари

Шахсларнинг ҳуқуқлари тушунчаси. Фуқаролик ва унинг Конституциявий асослари. Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг юридик таснифланиши. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий - иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари. *Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, фуқароларнинг масъулият ва бурчлари.*

Ўзбекистонда жамият ва шахс муносабатларининг конституциявий белгилари

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг ижтимоий - иқтисодий асослари. Ўзбекистонда молия ва пул - кредит тизими. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг жамоат ҳаётидаги ўрни. *Оммавий ахборот воситаларининг Конституциявий - ҳуқуқий мақоми.*

Ўзбекистон Республикасининг миллий - давлат ва маъмурий - ҳудудий тузилиши

Миллий - давлат ва маъмурий - ҳудудий тузилиш асослари. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий - ҳудудий тузилиши. Маъмурий - ҳудудий қисмларни ўзгартириш, ташкил қилиш ва тугатиш тартиби. *Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон суверен республикасининг ҳуқуқий мақоми ва унинг қонуний асослари.*

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш ҳокимиятининг амалга оширилиши ва унинг конституциявий асослари

Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва унинг конституциявий кафолатланиши. Сайлов тизими тушунчаси ва принциплари. Сайловлар ва уларни ўтказиш тартиби. *Халқ депутатлари ва уларнинг конституциявий мақоми.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти - давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи

Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси ва уни ташкил қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конституциявий ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таркибий тузилиши. *Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни.*

Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органлари

Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозимининг жорий қилиниши ва конституциявий мустаҳкамланиши. Ўзбекистонда Президент сайловларини

Ўтказиш тартиби ва қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий - ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар. *Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати.*

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг конституциявий асослари
Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимият органларининг ташкил этилиши ва тизими. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий вазифалари. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши. *Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби ва вазифалари.*

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

І қисм

(Ҳуқуқшунослик)

Давлат ва ҳуқуқ назарияси

Давлат тушунчаси, давлатнинг вужудга келиш асослари. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши. Давлат ва ҳуқуқ ўзаро алоқадорлиги. Давлатнинг шакллари, турлари.

Бошқарув тизими ва моҳияти.* Ҳуқуқнинг давлатда тутган ўрни, ҳуқуқ тушунчаси ва шакллари. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ тизими ҳамда соҳалар бўйича амал қилиши*.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик

ҳуқуқида юридик шахслар

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири юридик шахс тушунчаси ва умумий қоидалари. Юридик шахсларнинг Ўзбекистонда тутган ўрни, вужудга келиш асослари, белгилари, турлари ҳамда ҳуқуқий лаёқат доираси*.Юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш босқичлари ва тартиби. Юридик шахсларнинг давлат рўйхатини бекор бўлиши ва уларни қайтадан тиклаш тартиби.

Битимлар тушунчаси, вакиллик ва ишончнома

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг асосини ташкил қилувчи битимлар тушунчаси. Битимларнинг турлари ва шакллари. Битим тузиш тартиби, ундаги тарафлар ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари.* Битимларнинг моҳияти ва мақсади, ҳамда муддатлари. Битимларнинг ҳақиқий саналмаслиги.

Вакиллик тушунчаси, вакилнинг ваколатлари доираси. Ишончнома тушунчаси, турлари ва уни бериш тартиби. Ваколат берувчининг ҳуқуқлари ва вакилнинг мажбуриятлари.*

Муддатларни ҳисоблаш ва даъво муддати

Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар тушунчаси. Муддатларни ҳисоблаш тартиби. Муддатлар ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши. Даъво тушунчаси, мақсади ва мазмуни. Даъво тақдим этиш тартиби ва унда талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати. Даъво муддатлари ва унинг турлари. Даъво муддати ўтишининг бошланиши, тўхталиши, узилиши ва қайтадан тиклаш тартиби.* Даъво муддатини жорий этиш ҳамда даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар тушунчаси.

Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқида мулк муносабатлар

Жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил қилувчи мулк тушунчаси, унинг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни ва моҳияти. Мулк шакллари ва турлари. Мулк

хукуки тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари.*Ўзбекистон Республикаси худудида мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, кафолатланиши ва химоя қилиниши. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ҳуқуқи, ишга жойлаштириш, меҳнат шартномаси ва уни бекор қилиш асослари

Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, вужудга келиш асослари ва вазифалари. Меҳнат муносабатларида тарафлар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Меҳнат ҳуқуқида меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси ва келишувлари. Ишга жойлашишда давлат сиёсати. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларнинг вужудга келиш асоси сифатида меҳнат шартномалари. Меҳнат шартномаасининг бекор бўлиши асослари ва тартиби.*

Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми ва меҳнат низоларини кўриб чиқиш

Меҳнат ҳуқуқида иш вақти тушунчаси, иш вақтининг умумий қоидалари ва турлари. Ишсиз деб эътироф этилувчилар гуруҳи. Дам олиш вақти тушунчаси ва турлари. Меҳнат таътиллари ва муддати. Меҳнат ҳуқуқида иш ҳақи тўлаш тартиби ва турлари.*Меҳнат интизоми ва моддий жавобгарлик тушунчаси. Меҳнат низоларини келиб чиқиш асослари, низоларни кўриш тартиби ва бартараф этиш босқичлари. Меҳнат низоларини кўрувчи органлар

Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасида мавжуд ҳуқуқий тизим қаторида Оила ҳуқуқи тушунчаси. Оила ҳуқуқида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари. Никоҳ муносабатларида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.* Оила ҳуқуқига оида мулкӣ муносабатлар тушунчаси ва вужудга келиш асослари. Оила ҳуқуқида тарафларнинг ва бошқа шахсларнинг алимент тўлаш мажбурияти ва миқдори. Никоҳ муносабатларини бекор бўлиш ва тугатилиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси манбаалари ва тамойиллари. Жиноят ҳуқуқининг белгилари. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва турлари. Жиноий жавобгарлик тушунчаси. Жиноятга яраша жазо, жазонинг турлари ва жазо қўллаш тартиби.*Жиноят жараёни ва жиноят ижроия ҳуқуқларининг умумий қоидалари.

II қисм
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси)
“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” ўқув
курси ва унинг мақсад - вазифалари

И.А.Каримов - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ташаббускори, ижодкори.*

1992 йилги Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва хусусиятлари.

Ўзбекистон - суверен демократик республика.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
ва мустақил давлат белгилари

Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиши.

Конституция ва қонуннинг устунлиги - демократик ҳуқуқий давлат белгиси.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлиши ва унинг бошқа давлатлар томонидан тан олинishi.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратилиш босқичлари,
ривожланиши ва дунёга келиш омиллари

Ўзбекистонда шахс ҳуқуқий мақомининг конституциявий асослари.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги.

Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари.

Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тизимининг ўрнатилиши.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари.*

Фуқароларнинг бурчлари - шахс, жамият ва давлат манфаатлари талаби.*

Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида
тутган ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойиллари ва иқтисодий негизлари.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари ва уларнинг конституциявий - ҳуқуқий мақоми.*

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг давлат муҳофазасидалиги.

Ўзбекистонда оиланинг конституциявий мақоми.

Оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни ва ҳуқуқий мақоми.*

Мустақил Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг асосий тамойиллари

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий - ҳудудий тузилиши ва унинг ҳуқуқий асослари.*

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойиллари. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг ташкил этилиши ва фаолияти. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳуқуқий мақоми. Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат органларининг ҳуқуқий мақоми.

Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий

ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари

Давлат ҳокимияти тушунчаси ва уни амалга ошириш шакллари. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. Олий Мажлис фаолиятининг шакллари. Олий Мажлис депутатлар блоки ва партия фракцияларининг фаолияти.. Олий Мажлис раиси ва унинг ўринбосарлари фаолияти. Олий Мажлис Кенгаши ва унинг ваколатлари.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари фаолияти. Омбудсман фаолияти.

Ўзбекистонда жамият ва шахс муносабатларининг Конституциявий белгилари

Ўзбекистонда Президентлик Республикаси бошқаруви шаклининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Президенти - давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғи.* Президент ваколатлари ва қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлари.*

Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати:

- а) тузилиши ва таркиби;
- б) бошқа давлат органлари билан муносабатлари;
- в) асосий ваколатлари;
- г) чиқарадиган ҳужжатлари.

**Ўзбекистон Республикасининг миллий - давлат
ва маъмурий - ҳудудий тузилиши**

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими, унинг ташкил этилиши ва одил судловнинг конституциявий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси

Конституциявий суди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва худудий судлари. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Тошкент шаҳар ва вилоятлар хўжалик судлари.*

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг тизими ва прокурорларнинг вазифалари.

Лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган

Курс (лойиҳа) иши намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Фанга тааллуқли ИНТЕРНЕТ хизматида мавжуд бўлган сайтлар рўйхати:

1. www.uzpak.uz
2. www.pravo.uz
3. www.pravo.ru
4. E - mail norrma@dostlink.net
5. E - mail norma@mail.tns.uz

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Талабалар билими рейтинг тизими низоми бандлари асосида жорий, оралик ва якуний баҳолашлар ёрдамида амалга оширилади. ЖБда фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билим даражасини аниқлаб бориш назарда тутилади ва одатда амалий машғулот дарсларида тестлар ёки ёзма назорат иш ўтказиш, уй вазифаларини текшириш йўли билан амалга оширилади. ОБда фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг талабанинг назарий билимлари коллоквиум ўтказиш, тайёрланган рефератлар ва мустақил таълим бўйича берилган топшириқларни текшириш йўли билан баҳоланади. Фан бўйича ЖБ ва ОБ турларида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг баллнинг миқдори ўқув режасида фанга ажратилган умумий соатнинг 70 фоизи миқдорида белгиланади. ЯБ таянч сўз ва ибораларга асосланган «қзма иш» усулида ўтказилади. ЯБ бўйича талаба фанга ажратилган умумий соатлар миқдорининг 30 фоизи, яъни 21,6 миқдорида балл йиғиши мумкин.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўқрисида”ги 2001 йил 4 январдаги Ф - 1322 - сонли фармойиши. // Халқ сўзи, 2000 йил 5 январь.
3. Мустақиллик Декларацияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия. –Т.: Адолат, 2000 йи.
4. “Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида”ги қонуни 1995 йил 21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия. - Т.: Адолат, 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 1994 йил 5 май. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия. - Т.: Адолат, 2000.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти - ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари, 10 - сон. - Т.:Адолат. 1995.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни 1995 йил 21 декабрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 13 - сон - Т.: Адолат, 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: Адолат. 1999.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат тижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни.1999 йил 14 апрель. Ўзбекистон янги қонунлари, 21 - сон. - Т.:Адолат. 1999.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги 1997 йил 26 апрель қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари, 18 - сон. - Т.:Адолат. 1998
11. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
12. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон,1996.
13. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
14. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998
17. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999
18. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
19. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
20. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
23. Ю.Турсунов, А.Иноятов Меҳнат қонуни ва истиклол Т. 1996
24. О.Каримова, Х.Тўйчиева, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Т. Ўқитувчи 1996
25. М.Йўлдошев, Й.Турсунов Молия ҳуқуқи. Т. Меҳнат. 1999
26. М.Йўлдошев, Й.Турсунов Солиқ ҳуқуқи. Т. Меҳнат. 2000
27. А.Зульяров «Банк ҳуқуқи». - Т.: Тошкент Ислам Университети. 2001
28. Бабаев Х.Б. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: 2000
29. Ўразаев Ш.З Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. Т.: Адолат 1996

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Т. Ўзбекистон 1995.
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. Т. Ўзбекистон 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси. Т. Адолат. 1995.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўқрисида кодекс. Т. Адолат. 1995.
5. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. Т. Адолат. 1995.
6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т.: Адолат. 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: Адолат. 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Т.: Адолат. 1999.
9. Мустафоев Б. “Халқимиз ақл - заковати ва донишмандлиги самараси” мавзусидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2002 йил 10 декабрь.
10. Абдумажидов Ғ. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонунига шарҳлар Т.: Адолат, 1999.
11. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. Т.: Шарқ, 1997.
12. Бобоев Ҳ.Б., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т.: Ўзбекистон, 1999.

13. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти. Тажриба ва муаммолар. Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Т.: Адолат, 1998.
15. Инсон ҳуқуқлари (муаллифлар жамоаси) Т.: Адолат, 1997
16. Инсон ҳуқуқлари тўқрисида билль. Т.: Адолат, 1992.
17. Маҳалла - ўз - ўзини бошқариш органи. Т.: Фан, 1994.
18. Мингбоев У.Қ. Суд шундай ҳокимиятки... –Т.: 1999.
19. Одилқориев Ҳ.Т. Новая Конституция - великий символ суверенитета Ўзбекистана. - Т.: Адолат, 1993.
20. Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар бўлиниш принципи. Т.: Адолат, 1993.
21. Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида Қонун чиқариш жараёни. Т.: Адолат, 1995.
22. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар. Т.Ўзбекистон 1991.
23. Саидов А.Ҳ. Мустақиллик қомуси. Т.: Ўзбекистон. 1993.
24. Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик Т.: Ўзбекистон. 1995.
25. Файзиев М. Ўзбекистон Конституциянинг моҳияти (ўқув қўлланма). Т.: Адолат, 1998.
26. Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т.: Шарқ, 1997.
27. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. –Т.: Адолат, 1995.
28. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. - Т.:1995.